



Гўшт нархлари шаклланиши бўйича дайжест

Марказий банк ва ИМБ

(Тармоқ бозорлари ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги маркази) | 2026 йил, 28 август ҳолатига

ТАШҚИ ВА ИЧКИ БОЗОРДА МОЛ ГЎШТИ НАРХЛАРИ

 АСОСИЙ САВДО ҲАМКОРЛАРДАГИ МОЛ ГЎШТИ НАРХЛАРИ (2026, август)

Ўзгариши, % да

Давлатлар	Жорий нарх	ўтган ойга нисбатан	2025й. мос даврига нисбатан
Ўзбекистон	121 845 сўм	+ 2,0	+ 12,2
Россия	108 592 сўм	+ 0,7	- 0,5
Қозоғистон	96 868 сўм	+ 0,1	+ 14,3
Беларусь	59 425 сўм	+ 0,1	- 4,7
Қирғиз Респ.	111 917 сўм	+ 2,2	+ 20,3
Покистон	54 239 сўм	+ 0,8	+ 13,3

 МОЛ ГЎШТИ УЛГУРЖИ НАРХЛАРИ (минг сўм/кг)

		июль	август
Маҳаллий:	янги сўйил.	110-115	120-125
Импорт: Беларусь:	совут.	80-82	85-92
Қозоғистон:	совут.	93-95	102-105
Ҳиндистон, Украина, Покистон, Беларусь:	музлат.	65-69	66-73

Маҳаллий мол гўштининг улгуржи нархи август ойида июлга нисбатан **9% га** юқори шаклланди. Бу эса ўз навбатида келгусида чакана нархларда акс этиб боради.

 ГЎШТ НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ ЎЗГАРИШИ (январь-июль)

	2025	2026
Мол гўшти	18,7 %	11,1 %
Қўй гўшти	20,0 %	14,0 %

Июль ойида ўтказтилган сўровлар натижасига кўра жами респондентларнинг **58 %** и (июнь ойида 52%) **гўшт ва сўт маҳсулотлари** нархлари юқори ошган маҳсулотлар сифатида қайд этган.

Кузатувларга кўра, Республика бўйича энг қиммат мол гўшти Жиззах вилоятининг Ғаллаорол (**136 500** сўм) ва Тошкент шаҳрининг Учтепа (**134 500** сўм) туманларида кузатилди.

БОЗОР ОМИЛЛАРИ



ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

2025 йил

- Ишлаб чиқариш ҳажми: 1,9 млн тн
- Ўсиш суръати: +3,5% (2024 й.нисб.)
- Йиллик эҳтиёж: 1,8 млн тн (+5,9%)

2026 йил

- Ишлаб чиқариш ҳажми: 1,8 млн тн
- Йиллик эҳтиёж: 1,9 млн тн
- I ярим йилликда амалда ишлаб чиқарилди: 0,7 млн тн
- II ярим йилликда ишлаб чиқариш кутилиши: 1,1 млн тн
- II ярим йилликда импорт кутилиши: 142 минг тн



ИМПОРТ

2026 й. январь – 23-авг

- Мол гўшти – 106,0 минг тн (2025 йилда 94,4 минг тн, +12,3%)

2026 й. 1-23 авг

- 15,9 минг тн (2025 йил 12,0 минг тн, 33%)

- Қўй гўшти – 21,7 минг тн (16,3 минг тн, +33%)

- 2,8 минг тн (2,5 минг тн, +8,9%)

- Тирик қорамол – 45,5 минг бош (125,1 минг бош, -63,7%)

- 5,2 минг бош (18,4 минг бош, -71,8%)

- Тирик қўй – 51,0 минг бош (65,0 минг бош, +51 %)

- 9,5 минг бош (18,2 минг бош, -47,4%)

Хулоса: 2026 йил 1–23 августда **тирик қорамол** импорти Россиядаги гўшт йўналишидаги чорванинг камайиши ҳамда Қозоғистон ва Қирғиз Республикасида экспортга киритилган чекловлар сабабли қисқариб, ўрнини **тайёр гўшт** эгалламоқда. Асосий таъминотчилар Ҳиндистон (+17,3%) ва Беларусда (+8,8%) импорт нархлари қимматлашган.

Қўй гўшти импорти ҳажми июлга нисбатан (-30,7%) камайган. **Тирик қўй** экспортига Қозоғистон 2026 йил 1 июндан **квота** жорий этганига қарамасдан, август ойида тирик қўй фақат Қозоғистондан импорт қилиниб, июлга нисбатан **21,9%** га ошди (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 47,4% га кам*). Ушбу даврда Қирғиз Республикасидан тирик қўй импорти тўхтаган.

НАРХЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТГАН БОШҚА ОМИЛЛАР

Ички

- Сув танқислиги ва ер унумдорлигининг пастлиги, озуқабоп экин майдонлари ва яйловлар етишмаслиги чорва етиштиришни чекламоқда.

- Озуқа базасининг заифлиги ва **қиммат импорт озуқасининг** улуши гўшт таннархидаги юқори шаклланмоқда.

- Етиштирилаётган чорва молларининг **90%** уй хўжаликларида боқилади ҳамда уларнинг **96,6%** маҳаллий зотлар бўлиб, насли зотларга нисбатан **65 %** кам гўшт беради.

- 2026-йил **январь-июнь** ойларида етиштирилган гўшт ҳажмининг **8,7%** фермер хўжаликларига, **79,9%** деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **12,2%** қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келган.

- Ветеринария ва вакцинация хизматларининг етарлича ривожланмаганлиги сабабли чорва моллари бош сонининг **қисқариш ҳолатлари** кузатилмоқда.

- Сунъий уруғлантириш хизматлари қамровининг пастлиги уй хўжаликларида маҳаллий зотлардан **насли зотлар олиш** ишларини сусайтирмоқда.

- Таъминот занжирида замонавий **кушхоналар** ҳамда музлаткичли **омборлар** инфратузилмаси етишмайди.

Ташқи

- (FAO) **Жаҳонда гўшт нархи** индекси **июль** ойида июнь ойига нисбатан **3,6 ф.б.га пасайди**, ўтган йилга нисбатан **1,1 ф.б.га ошди**.

- Мол гўшти** нархлари Осиё давлатларида талабнинг пасайиши ҳисобига, парранда гўшти глобал бозорда таклифнинг ортиши ва рақобатнинг кучайиши ҳисобига **арзонлаган** бўлса, **қўй гўшти** барқарор талаб ва айрим давлатларда экспорт таклифининг чекланганлиги ҳисобига **ўсишда** давом этди.

- (USDA) 2026/2027 йиллар мавсуми учун **қорамол гўшти** ишлаб чиқариш прогнози ўтган ойга нисбатан **1 %** га пасайтирилди. Бу бўрдоқига боқилган қорамолларни сўйиш суръатлари кутилганидан секинлашгани билан изоҳланади.

- Тирик вазндаги буқаларнинг прогноз нархлари (**ҳар 45 кг учун**) пасайтирилди. Жорий йил учун **245,4** АҚШ доллари, 2027 йил учун эса **249** АҚШ доллари этиб белгиланди.

ИМПОРТ ЧЕКЛОВЛАРИ ВА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР

ЧЕКЛОВЛАР ВА ХАТАРЛАР

- Россияда** олдинги йиллардаги оммавий сўйишлар сабаб 2026 йилда сўйиш ҳажмининг қисқариши ҳамда хусусий хўжаликларда сигирларнинг серсут зотлари улушининг ортиши ҳисобига умумий гўшт йўналишидаги қорамоллар сонининг қисқариши юзага келиб, ички бозорга мол гўшти етказиб бериш чекланмоқда.
- Қирғиз Республикасида** йирик ва майда шохли қорамоллар экспортига 2026 йил сентябрғача қўйилган тақиқ яна 6 ойга узайтириш таклиф этилган (*расман тасдиқланмаган*), бироқ наслдор қўйлар ҳамда мамлакатда боқилмаган ва тегишли давлат корхонаси томонидан тирик қорамолларни экспорт қилишга рухсат берилган.
- Германияда** озуқа нархининг қимматлашиши сабабли наслдор молларнинг оммавий сўйилиши оқибатида чорва бош сонининг қисқариши Ўзбекистонга импорт қилинадиган насли қорамоллар нархининг сезиларли ошишига олиб келиши мумкин.
- Қозоғистон** аномал иссиқ, қурғоқчилик ва яйлов ёнғинлари сабаб юзага келган озуқа тақчиллиги чорва молларининг оммавий сўйилишига олиб келиб, бу эса қисқа муддатда таклифни ошириб нархларнинг тушишига, бироқ узоқ муддатда нархларга оширувчи босим юзага келтириши мумкин.
- Покистонда** мол гўшти нархи ўтган йилга нисбатан юқори шаклланиб, бунга энергия ва логистика харажатларининг қимматлашиши, чорва бош сонининг қисқариши натижасидаги маҳаллий таклиф танқислиги ҳамда кучли ташқи ва ички талаб сабаб бўлмоқда.

Мол гўшти импортида бозор концентрацияси (2026 январь–июль):

	Совитилган	Музлатилган
Топ-5 корхона улуши	55% (2025 йил 56%)	41% (2025 йил 49%)
Импорт георафияси	Беларусь 56% (54%) , Қозоғистон 43% (46%)	Ҳиндистон 79% (83%) , Покистон 9% (6%) , Украина 8% (7%)

КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР

- ПҚ-179**-сонли қарорга мувофиқ:
 - 2029 йилга қадар наслдор қорамол, қўй ва эчкилар импорти ҚҚСдан озод этилди;
 - аҳоли хонадонларида сунъий уруғлантириш орқали олинган ҳар бир наслдор бузоқ учун **500 минг сўм** (*трансплантация – 700 минг сўм*) субсидия жорий қилинди;
 - йилига камида **1 000 нафар** техник-осеменаторлар ўқитилиб, жиҳозлар беғараз берилади.
- ПҚ-130**-сонли қарорга мувофиқ йил якунига қадар мол ва қўй гўштини ҳаво транспортида импорт қилиш харажатларининг **50% (1 кг учун 0,8 доллар)**, наслдор қорамол қийматининг **10% (бир бош учун 4 млн сўмгача)** субсидиялаш жорий қилинди.

Ушбу йўналишга жами ажратилган 300 млрд сўмдан бугунга қадар импорт қилинган 1,3 минг тн гўшт (Ҳиндистон) учун 12,3 млрд сўм ва 748 бош насли қорамол (Эстония, Австрия) учун 2,2 млрд сўм субсидия тўлаб берилди.

- Навоий Агростар** томонидан:
 - Мўғулистондан йил якунигача олиб келиш режалаштирилган **10 минг бош** “Баяд” зотли насли қўйлардан ҳозирга қадар **2,5 минг бош** олиб келиниб, **карантинда** сақланмоқда (*аҳолига имтиёзли ва устамаларсиз етказиб берилади*).
 - Қизилтепа туманида 2 га майдонга қорамолчилик микромаркази **смарт чорва** фермаси ташкил этилиб, Голландиядан **165 бош** “Симентал” ҳамда **165 бош** “Қизил ангус” зотли чорва моллари олиб келиш режалаштирилган.
 - Муборақда наслчиликни ривожлантириш учун Кениядан **300 бош** “Дорпер”, Қирғиз Респ.дан **300 бош** “Арашан”, Россиядан **400 бош** “Меринос” зотлари олиб келиниб маҳаллийлаштирилади.
 - Нишонда фойдаланишда бўлмаган **1,3 минг га** майдон ўзлаштирилиб, **10 та Pivot** усулидаги замонавий айланма ёмғирлатиб суғориш тизими орқали замонавий усулда **чорва озуқаси** етиштириш йўлга қўйилмоқда.
- Ҳиндистон – Туркия – Ўзбекистон **логистика** йўналишининг **барқарорлашуви** ва уч ой аввал жўнатилган гўшт партияларининг узлуксиз кириб келиши натижасида ички бозорда импорт гўшти таклифи сезиларли даражада ошиши кутилмоқда.